

Факат Ўзбекистон жумхуриятида вакф бор, бошка ёкларда йўкдек.

Ўзбек халки ўзига айрим катта бир жумхурият бўлиб тузилгандан кейин вакф ишлари яна ҳам ахамият касб этадир.

Бош вакф идораси вакфни кенг доирада идрок килиш учун тузган лойихаси 15 декабргача Инкилобқўм хайъат раъиясига такдим килса керак. Бу лойиха Шўролар Марказий Ижроқўми томонидан ҳам тасдик этиладир. Шу вақтгача айрим бўлган Бухоро, Хоразм жумхуриятларидаги вакф мулклари жуда сузлик билан келган, қўп мулклар рўйхат килиниб, рўйхатга олиш ҳам вакф қарамоғидаги эски-янги мактабларни кандай ҳисоблаш ва бошқалар учун Бош вакф идораси томонидан бир таълимот юборилди.

Хоразм, Бухоро жумхуриятларидаги вакф мулклари 1925 йил биринчи апрелигача рўйхат килинуб бўлгусидир.

Миллий жумхуриятларга бўлиниш муносабати билан Ўзбекистон жумхурияти доирасидаги вакф мулкларидан фойдаланиш Қозогистон, Қорақирғизга ўтиб кетадир. Мана бу масала жумхуриятлар тузилиб битгунча идора килиш тегишли ҳукумат идораларининг қўлида бўладир.

Вакф мулки бўлибда ҳозиргача бошка ҳукумат идораларининг тасарруфида бўлган жойлар 25-йилнинг биринчи апрелигача Бош вакф идорасига ўтказиш учун тегишли идоралар билан қораси қўрилур.

Бухородаги вакф мулклари мамлакатнинг тўртиндан бирини, Хоразм вакф мулклари мамлакатнинг учдан бирини ташкил этгани ҳолда ўшал жумхурият қомхозларининг қўл остида идора килиниб келади, десак, ҳато бўлмас. (Бундан оз бир қисми вакф идораларида тасарруф қилинадур.) Вакф ерларидан дехқонларга бўлиниб берилмаган қомлар, қорвоқлар қордиқи, булар ҳар қимларнинг қўлида ётади. Шуларни Бош вакф идорасига ўтказиш қораси қўрилмоқда ва лойиҳалари тайёрланмоқдади.

Бош вакф идораси Ўзбекистон доирасидаги вакф сармояларини хусусий фондда саклаш ҳаракатида. Бош вакф идорасининг ҳозирги сармояси 700 минг сўмдир, агарда мамлакат мулклари рўйхатга олиниб бўлса, вакф даромадини ўн мартаба орттириш кутиладир.

Ҳозир вакф таъминотида, Хоразм ва Бухородан ташкари, 85 бошлангич мактаб, 6638 ўқувчи, 2—3 боскич мактаб, 400 ўқувчи, 10 саводсизлар курси, 6 таълим-тарбия курси бор. Бундан бошқа вакф шефлигида клуб, кироат-хона, хотин-киз билим юрти ҳам 25 стипендия олгувчи бор. Демак, Бош вакфнинг умумий даромадидан 89 ярим просенти илмий ишларга сарф бўлиб, колгани идора ишчиларига кетадир.

Бош вакф идораси ўзининг кейинги планида кўрсатилган ишларни бажариб, бутун вакф мулкларини инвентарга олса, ундан чиқодиргон даромадга килинадурган ишлар жуда кўп. Бухоро ва Хоразмда таълим-тарбия курслари очиш, янги мактаб бинолари солиш ҳам четларда ўқувчи талабаларга кўпрак ёрдам бериш биринчи вазифалардандир. Шунинг билан бирга даромад манбаларини кўпайтириб, бузилган дўкон, саройларни тузатиш керак.

*«Кизил Ўзбекистон» газетаси, 1924 йил, 11 декабр*